




ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 49 (8.939)

1997 йил

30 апрель, чоршанба

Сотувда эркин нархда

Вазирлар Маҳкамасида шу йил 26 февраль куні бўлиб ўтган мажлисда Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки, Немис техник ҳамкорлик жамияти, Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Урта Осиё — Америка жамғармаси, бошқа халқаро ва хорижий миллий молиявий тузилмалар мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун 350 миллион АҚШ доллари миқдорида кредитлар тақлиф этаётганликлари таъкидланган эди. Президентимиз ана шу масалага тўхталар экан, «бу маблағларни ўзлаштириш учун қани ўша мулк эгалари, қолаверса, қани зарур экспертизадан ўтган инвестиция лойиҳалари», деб жуда ўринли савол берган эди.

Бугунги кунда Тошкент шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасида ана шундай лойиҳаларни танлаш жараёни давом этапти. Аввал туман даражасида сараланиб, хусусий фирма, хусусдорлик жамиятлари, қўшма корхоналар, кичик ва ўрта бизнес вакиллари томонидан шаҳар палатасига тақдим этил-

даражасида бўлишига эришиш мушкул. Шунинг учун улар кредит ҳисобига ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш ниятидalar.

Инвестиция лойиҳалари учун кредит олиш тартиб-қоидалари тўғрисида барча туманларда семинарлар, учрашувлар ўтказилди. Уларда мутахассислар томонидан тадбиркорларни қизиқтираётган жуда кўпдан-кўп саволларга батафсил жавоб берилди. Бу ишлар айниқса, Мирзо Улугбек, Сергели, Собир Раҳимов, Шайхонтоҳур туманларида пухта ташкил этилди.

Шаҳар палатаси консалтинг фирмаси тадбиркорларга ҳужжатларни расмийлаштириш, лойиҳаларни иқтисодий жиҳатдан асослаш, бизнес режалар тайёрлашда яқиндан амалий ёрдам кўрсатяпти. Бундай кўмакдан «Телатт-Осиё трейдинг» Ўзбекистон — Украина қўшма корхонаси тадбиркорлари мамнуликларини изҳор қилдилар.

Консалтинг фирмаси ёрдамида биз икки та инвестиция лойиҳаси тайёрланди, — дейди қўшма корхона бош директори Д. Шоумаров. — Уларнинг биттиси пайвандлаш электродлари ишлаб чиқариш, иккинчиси эса Тошкентни ташқи безаш билан боғлиқ, Хусусан, электродларга бўлган талабни ўрганиш юзасидан маркетинг тадқиқотлари бу жуда харидорлигир маҳсулот бўлишини кўрсатди. Шунинг учун ажратиладиган кредит ҳисобига зарур машина-ускуналар, хом ашё, компьютерлар сотиб ололмиз. Келгуси режаларимизда эса кичик ис-сикхоналар тайёрлаш бўйича ишлаб чиқари-шимизни кенгайтириш кўзда тутилган.

Очигини айтганда, биз анчадан буюн кредит олиш илнжиди эдик. Бироқ бунга республикаимиз Президентининг кичик ва ўрта тадбиркорлини ривожлантиришни рағбатлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Фармони чиққандан сўнг умид туғилди. Айниқса, кредитни эркин алмаштириладиган валютада олиш имконияти борлиги бизни қувонтирмоқда. Олинган маблағ ишлаб чиқаришни кенгайтиришга хизмат қилади.

Шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасида инвестиция лойиҳаларини саралаш иши давом этмоқда. Хар ҳафта банк, йирик корхоналар, давлат мулк қўмитаси, истиқболни белгилаш ва статистика бош бошқармаси, Бизнес-фонд, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси вакилларидан иборат шаҳар ҳокимлигининг ишчи комиссияси ўз мажлисларини ўтказмоқда. Бу комиссияга Тошкент шаҳар ҳокими бошчилик қилади.

«Спектр» нефть қурувлари ичидаги насослар учун кабель ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйган. Бу маҳсулотнинг ҳаммаси экспортга жўнатишмоқда. Қўшма корхонанинг бундай маҳсулотларига республикаимизда ҳам, унинг ташқарида ҳам талаб тобора ортиб борапти. Шунинг учун «Спектр» тадбиркорлари резина участкасини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш юзасидан лойиҳа тайёрландилар. Ҳозир замонавий машина-ускуналарсиз маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, унинг жаҳон андозалари

Ойдин ҲОШИМОВА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

САВДО, МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ ВА АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КўРСАТИШ ХОДИМЛАРИ КУНИНИ БЕЛГИЛАШ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ: Июнь ойининг охириг яқшанбаси Ўзбекистон Республикаси Савдо, матлубот кооперацияси ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари куні деб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1997 йил 25 апрель.



«Тошкент трактор заводи» давлат хиссасдорлик жамиятининг 19-йиғув цехига қарашли ҳайдаб-текширув бўлимида айни вақтда ТТЗ-80, ТТЗ-100 русумли тракторларни синовдан ўтказишмоқда. Бу ишда ҳайдовчи-синовчилар тракторларнинг барча муаммоларини тўғрилаб, сўнг харидорларга жўнатишга рухсат этишадир.

СУРАТДА: ҳайдовчи-синовчи Шомурод Холиқовлов ва Тозабой Халилаевлар навбатдаги вазифаларини адо этишмоқда.

Рустам Шарипов олган сурат.

«Ўзбекистон — Ватаним маним»

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Мустақиллигимизнинг олти йиллигига бағишланган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўшиқлар кўрик-танлови борган сари қизгин тус оляпти. Янги-янги номлар кашф этилмоқда, жўшқин кўшиқлар яратилмоқда. Бунга Мирзо Улугбек туманида ўтказилган танловда яна бир марта гувоҳ бўлдик. Тумандаги бадиий жамоалар, ҳаваскор хонандалар иштирок этган ўзига хос кўшиқ байрами ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

Танлов ҳайъати тумандаги «Юлдуз» маданият уйи қошидаги «Олтин водий» халқ ашула ва рақс дастаси ақсақон хонандаси Каюм Усмонов ижро этган «Ватан мадҳи» (Назармат шёери) кўшигини энг яхши деб топди. Ик-

кинчи ўринга «Гулшан» маданият уйи қошидаги «Сайёра» вокал-чолғу гуруҳи хонандаси Алишер Қобулов «Ватан» (Махмуд Тоиров шёери), 4-санъат мактаби «Сарбон» муаллимлар ансамбли «Ўзбекистон» қўшиғи (Шавкат Матёқубов шёери) лойиқ қўрилди. Учинчи ўринга эса «Сарбон» гуруҳи («Ватаним»), Успенский номидаги болалар мусиқа мактаби хор жамоаси («Оҳанглардаги эртаклар»), ҳаваскор хонанда Тўлқин Юнусов («Ўзбекистон Ватаним») ижро этган кўшиқлар сазовор бўлди.

Ғолибларга пул мукофотлари топширилди. Улар энди май ойида бўлиб ўтадиган шаҳар кўрик-танловида қатнашадилар.

Толиб САБДУЛЛАЕВ.

Обуна — йил бўйи

«ОҚШОМ» ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ



Қадрли «Оқшом» муштарийлари! Шу нарсани яна бир бор эслатиб ўтмоқчимизки, ўзингиз севган «Тошкент оқшом» газетасига бутун йил бўйи обуна бўлишингиз мумкин. Бунинг учун хар ойнинг ўнчиги кунига қадар шаҳримиздаги ҳоҳлаган алоқа бўлимига бориб обунани расмийлаштирсангиз, келаси ойдан бошлаб «Оқшом» газетаси хонандонингизга кириб бораверади. Газетанинг чакана савдога жуда ҳам чегараланган миқдорда чиқарилишини инобатга оладиган бўлсангиз, унинг хар бир сонини вақтида олишингиз ишончли йўли газетига обуна бўлиб қўйишдир.

Обуна нархларини яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз.

Уй манзилига:

- Бир ойга — 106 сўм
- Ҳ ч ойга — 318 сўм
- Олти ойга — 636 сўм

Абонент қутисига:

- Бир ойга — 79 сўм
- Ҳ ч ойга — 237 сўм
- Олти ойга — 474 сўм

Юқорида келтириб ўтилган обуна нархлари Тошкент шаҳрида истикомат қилувчи муштарийларимиз учун мўлжалланган. Ўзбекистон Республикасининг вилоят ва шаҳарларидаги «Оқшом» муштарийлари газетига обуна бўлиш истагида бўлсалар уларга жойлардаги алоқа бўлими-ларида обуна нархларини айтишади. Обуна масаласида бирор муаммо туғилгудек бўлса 33-29-33, 33-29-70 (таҳририят) ёки 33-47-49 («Тошкент почтаси» корхонаси) га қўнғироқ қилинг.

Газета индекси — 64690.

БУГУНГИ КУН НАФАСИ

МАМПАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Исом Каримовнинг Фармони билан Конрад Аденауэр жамғармасининг минтақавий вакили Вольфганг Шрайбер «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.
- Президент Исом Каримовнинг тақлифига биноан Италия Республикасининг Президенти Оскар Луиджи Скальфаро 2-4 май кўнлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.
- Тошкентда Қозғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон мудофаа вазирлари ўзаро ҳарбий ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилдилар.
- Ўзбекистон билан Сингапур ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.
- Бухоро вилоятининг Туркменистон билан чегарадош Олот туманида божхона мажмуи фойдаланишга топширилди.
- Хотин-қизлар қўмитасининг кеча бўлиб ўтган пленумида маънавиятни юксалтиришда аёллар иштироки муҳокама этилди.
- Олмаликда Жанубий Кореянинг «ДЭУ-телеком» корпорацияси билан ҳамкорликда қурилган 10 минг рақамли замонавий автомат-телефон станцияси ишга тушди.
- Фарғона вилояти деҳқонлари чигит экишни ниҳоясига етказдилар. 127 минг гектарга, шу жумладан 20,5 минг гектарга плёнка остида чигит экилди.
- Қорақалпоғистонга АҚШ «Кейс» фирмасининг 45 та «Магнум-7240» трактори келди. Ўтган йили бу ерда 10 та «Магнум» тракторида 17 минг гектар майдон шудгор қилинган эди.
- Ўзбекистонда яна битта — «САР» авиакомпанияси рўйхатга олинди. У асосан қишлоқ ҳўжалик ишларини бажаришда, осмондан суратга олишда, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишда ишлатиладиган енгил моторли самолётларга эгадир.
- Қўқоннинг «Кўнчи» хиссасдорлик жамияти негизда хромли чарм ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон—Жанубий Корея қўшма корхонаси дастлабки маҳсулот чиқара бошлади. У тўла қувват билан ишлаб бошлаган, сифатли пойабзал ишлаб чиқариш учун кунига 1 миллион квадрат дециметр миқдорида хромли чарм тайёрлайди.

ҲАМДУСТЛИКДА

- Ставрополь ўлкасида Армавирдан сўнг Пятигорск шаҳрида ҳам бомба портлатилиши оқибатида икки киши ҳалок бўлди, 20 киши жароҳатланди. Бугун Сочида дам олаётган Россия Президенти Борис Ельцин Бош вазир ўринбосари, ички ишлар вазири Анатолий Куликов билан кейинги пайтда мамлакат жанубида авжига чиққан террорчилик ҳаракатларига барҳам бериш масалаларини муҳокама этади.
- Сухумида Грузия-Абхазия моjarоси ҳудудидида хавфсизлик зонасини кенгайтириш юзасидан музокара-лар бошланди. Бу зона Абхазия ҳудудига 10 километрга кенгайтирилиши тўғрисида Ҳамдўстлик давлат раҳбарларининг яқинда Москвада бўлиб ўтган учрашувида келишилган эди.
- Россияда иқтисодий ислохотларнинг иккинчи босқичи бошланганлиги эълон қилинди. Унга қўра мамлакат уй-жой-коммунал ҳўжалиги соҳасида ислохотларга киришилиди. Бунда асосан ушбу соҳага сарфланаётган бюджет маблағларини камайтириш кўзда тутилган. Шунингдек, табиий монополиялар — «Газсаноат», ягона электр тизими ҳамда темир йўлларда ҳам ислохотлар ўтказилиши мўлжалланмоқда.

ХОРИЖДА

- Эртага Англияда парламент сайловлари бўлиб ўтади. Сўнгги сўровларга мувофиқ унда 1979 йилдан буюн 18 йил давомида мамлакатда ҳўкмонлик қилиб келган консерваторлар ҳокимиятини лейбористлар қўлига топширишлари кўтиляпти.
- Бугун Вьетнам халқи миллий байрам — мамлакат бирлашган кўнни нишонламоқда.
- Истанбулда Қазарбайжон ва Арманистон президенти Хайдар Алиев ва Левон Тер-Петросян Тоғли Қорабоғ муаммосини муҳокама этидилар. Ана шу учрашувдан сўнг Хайдар Алиев Озарбайжон ўз мамлакати таркибидаги Тоғли Қорабоғга янада кўпроқ мустақиллик беришга тайёр, аммо ҳеч қачон ушбу минтақада яна бир арман давлати тузилишига йўл қўймайди деб баёнот берди.
- Ҳиндистон федерал прокуратураси яқиндагина тузилган ҳўкуматнинг бир нечта юқори мартабали амалдорига нисбатан коррупция юзасидан жиноий иш қўзғатишни мўлжаллаётганлигини маълум қилди.
- Истанбулда иқтисодий ҳамкорлик бўйича Қора денгиз ҳавзаси мамлакатлари ташқи ишлар вазирларининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда ушбу минтақада интеграция жараёнини янада чуқурлаштириш масалалари кўриб чиқилди.

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Алоқа кабелли иншоотларини таъмирлаш юзасидан режадаги профилактика ишлари амалга оширилиши муносабати билан

1997 йил 7 майдан 7 июнга қадар

42-АТС—46-АТС, 46-АТС—42-АТС, 49-АТС—46-АТС, 46-АТС—49-АТС, 43-АТС—46-АТС, 46-АТС—43-АТС, 41-АТС—46-АТС, 46-АТС—41-АТС, 42-АТС—48-АТС, 48-АТС—42-АТС, 49-АТС—48-АТС, 48-АТС—49-АТС

йўналишларига абонентларнинг чиқиши қўйиллашади.

Алоқа иншоотларини таъмирлаш юзасидан режадаги профилактика ишлари амалга оширилиши муносабати билан

8 майга қадар

Сергели-1 манзилида яшовчи 57/58-АТС абонентларида телефон алоқаси бўлмайд.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ ВА РАДИОЛАШТИРИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.



ЯНГИЛИКЛАР ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР

Кўргазмалар

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСАФФО ОСМОНИ

БУГУН

Бадиий ижодкорлар уюшмасининг Марказий кўргазмалар залида республика расмдорларининг «Ўзбекистоннинг мусаффо осмони» мавзудаги бадиий кўргазмаси очилди.

Кўргазмага қўйилган расмдор санъатининг турли жанр ва йўналишларидаги кўпсонли ижодкорларнинг 300 дан ортиқ асарларида мамлакатимизнинг турли ҳудуд ва фасларидаги табиат манзаралари, табиат ноз-неъматлари,

натюрмортлар, Бухоро ва Хиванинг қадимги архитектура ёдгорликларининг айрим кўринишлари, давлат ва маданиятимиз арбобларининг сиймолари, турли касб, турли миллат ва авлод вакиллари сиймолари, улар руҳий ҳолатининг кўпгина кўринишлари, гўзаллиги акс этган.

Республика Истиклолга бағишланган асарлар ҳам кўргазмадан муносиб ўрин эгаллаган. Матоларга меҳр билан ишланган тасвирий санъат асарлари киши диққатини ўзига тортади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

Анжуманлар

ОММАВИЙ УЙИНИ — ЖАҲОН ДАРАЖАСИГА

БУГУН

«Интерконтиненталь» меҳмонхонасида Марказий Осиё мамлакатлари футбол федерацияларининг раҳбарлари иштирокидаги минтақавий семинар ўз ишнини якунлайди.

Халқаро футбол федерацияси (ФИФА) ва Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) тасарруфи остида ўтган семинарда минтақа футболини янада ривожлантириш тадбирлари, халқаро турнирлар ўтказиш тажрибаси атрофида муҳокама этилди.

Семинарни ўтказиш жойи сифатида Тошкент шаҳри танланганлигининг кўп сабаблари бор, — дейди ОФК бош котиби Петер Веллапен. — Ўзбек футболини ривожлантириш учун давлат миқёсида қў-

рилётган тадбирлар бутун Осиё футбол жамоатчилигига яхши маълум. Семинар давомида ушбу оммавий уйинни кенг ёйишининг Ўзбекистон тажрибаси ҳам намуна сифатида кўп марта тилга олинди.

Уч кўн давом этган анжуман қатнашчилари (Ўзбекистон ва Туркменистондан 4 нафардан, қолган республикалардан эса 3 нафардан вакиллар қатнашишди) ички чемпионатларни ўтказиш, уйинчиларнинг мақоми ва бошқа кўпгина масалаларни ҳам муҳокама этидилар. Шунингдек, ОФКнинг маркетинг соҳасидаги мутахассислари спорт бизнесини янада ривожлантириш ҳақидаги тақлифларини билдиридилар.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

ҚОЗОҚ АДИБИ ХОТИРАСИ

Ёнорма

Буюк қозоқ адиби, академик Мухтор Аёзовнинг ном ўзбек китобхоналарига ҳам ардоқли. Унинг қаламига мансуб юзлаб ҳўжялар, пьесалар, «Қараш-қараш доғида узилган ўқ» сингари бакуват қиссалар, диниқис классик қозоқ оқини Абай Қўнобой ўғли ҳаётига бағишланган «Абай»эпопеяси хар бир ўзбек китобхоналик қалбидан жой олган.

Машҳур адиб ҳаёт бўлганида бу йил 100 ёшга қиради.

БУГУН

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мажлислар залида Фанлар академияси ҳамда Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси ҳамкорлигида Мухтор Аё-

зовнинг бир асрлик таваллуд кўнига бағишлаб илмий-адабий анжуман ўтказилар.

Анжуманга олимлар, адиблар, адабиёт илосмандлари, Мухтор Аёзовни шахсан билган, қўрган замондошлари, Алматидан ташриф буюрган меҳмонлар йиғилдилар. Анжумандаги «Мухтор Аёзовнинг жаҳон адабиётда тутган ўрни», «Мухтор Аёзов сабоқлари», «Мухтор Аёзов ва Ойбек», «Мухтор Аёзов ва Чингиз Айтматов», «Мухтор Аёзов ва ўзбек адабиёти» мавзуларидаги қизиқарли мавзулар йиғилганларга мансўр бўлди. Сўзга чиққан нотиклар Мухтор Аёзов ўзбек адабиётининг жанкуяр дўсти, тарбияотқиси бўлганлигини ҳам қатта қўнғироқ билан таъкидладилар.

Тоғир ЙЎЛЧИЕВ.

Футбол

ФИНАЛГА ЙЎЛЛАНМА

Тошкент шаҳар ҳокими кубоги учун анъанавий турнирнинг якунловчи, 3-босқич гуруҳ саралаш уйинлари бўлиб ўтди. Учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди:

1-гуруҳ: «Трампаичи» — «Якасарой» — 0:1; «Ватанпарвар» — «Шайхонтоҳур» — 0:6.

2-гуруҳ: «Тошкатель» — «Асбоб-соз» — 1:1; «Сергели» — «Миробод» — 2:0.

3-гуруҳ: «Бектемир» — «Академия» — 2:0; «Тўрон» — «Юлчи» — 9:0.

Уйинлар натижасига кўра «Якасарой», «Шайхонтоҳур», «Асбоб-соз», «Сергели», «Бектемир» ва «Тўрон» командалари финалга йўлланма олдилар.

КЕЧА

финалда қатнашувчилар ўртасида қуръа ташланди. 10 май кўни олти-та жамоа икки гуруҳда майдонга тушади.

Бекзод ЭГАМОВ.

Чаваназолик

ШОҲСУПА ТУРИДА — ТОШКЕНТЛИКЛАР

Тошкент Очлопариди от спорти бўйича Ўзбекистон шахсий ва жамоа чемпионати мусобақалари ниҳоясига етди. Унда республикаимизнинг бир неча вилоятларининг терма жамоалари иштирок этишди.

Аёллар ўртасидаги беллашуларда тошкентлик Наталья Мазур ва Надежда Смирнова зафар кўчишди. Эркаклар ўр-

Якка тартибдаги меҳнат фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиб даромад олаётган фуқароларни аниқлашда назорат қилишнинг қийинлиги инобатга олиниб, шу йил 1 апрелдан бошлаб Тошкент шаҳар ҳокимининг янги қарори кучга кирди. Унга кўра Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси томонидан якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланиб даромад олаётган фуқаролар даромадига қатъий солиқ тўлови микдорини белгилаш юзасидан қўлланилган иш кон-цепцияси ҳамда қатъий солиқ микдорлари келиб чиқи-шининг объектив-назарий ҳисоб-китоблари жорий этилди. Мухбиримизнинг Тошкент шаҳар давлат солиқ бош-қармаси бошлиғи Алишер Валиев билан суҳбати ҳам шу хусусда бўлди.

— Алишер Сайдаминвич, айтингчи, қатъий солиқ тўло-вини жорий этишдан кўзланган мақсад ва унинг афзаллик-лари нималардан иборат?

— Ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар, хусусий тадбиркор-ликка кенг йўл очиб ва тегишли шарт-шароитлар яратиб бериш бозор иқтисодиётига ўтиш даврида тадбиркорлар сонининг кес-кин ўсишига олиб келмоқда. Албатта, бу жисмоний шахсларнинг тадбиркорликдан олаётган даромадлари микдорини тўғри аниқ-лаш ва солиққа тортиш борасида аниқ тизимга эга бўлишни талаб этади. Оқибатини айтганим бўлсам тадбиркорлар томонидан

«Малика» ҳиссасдорлик жамияти акциядорларининг нав-батдаги йилги баҳс ва мунозараларга бой бўлди. Жа-мийат бошқаруви раиси Рустам Ғуломовнинг ахбороти бир неча бор бўлиниб турди.

— Кечирасиз, раис. Сиздан ютуқлар билан бир қаторда кам-чиликлар хусусида ҳам эшитиш-ни хоҳлар эдик. Айтингчи, қандай қилиб дивидендлар микдорини ошириш мумкин? Бу йўлда нима ишлар қилинапти? Ахир ҳар би-римиз яхши умид билан «Мали-ка»нинг акцияларини сотиб олган-миз.

— Давлат мулк қўмитаси вакили-нинг ушбу сўзидан кейин зал яна-да жонланиб кетди. Жойлардан бу фикрни тасдиқловчи овозлар эшитилди.

— Ўзларингизга маълум, ди-видендларимиз йилдан-йилга ошиб борапти. 1995 йил якуна-лари бўйича ҳар бир акцияга 7 сўм-дан тўланган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 60 фоизга ортди. Ал-батта камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Булардан энг асосийси ма-териал танқислиги. Ҳозир бунинг ҳам тадбирини кўриб чиқдик. Ма-ҳаллий корхоналар билан шарт-номалар туздик. Агар «Малика» тўла қувват билан ишласа, келгу-си йилги кўрсаткичларимиз ҳозир-гига нисбатан бир неча баравар ортқ бўлади.

— 1994 йилдан бери корхона очик турдаги ҳиссасдорлик жамия-ти таркибига иш юритапти. Ҳўш, бу унга нима бери?

— Янги усулнинг афзаллиги ал-лақончон ўзини исботлаб бўлди, — дейди навбатдаги саволга жавоб бериб раис. — Хусусан ишчи кор-хонанинг ҳақиқий ҳўжайинига айланди. У яхши ишлаб, яхши ҳақ олиш мумкинлигини тушуниб ет-ди. Шунинг учун имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб меҳнат қи-линапти. Махсусот сифатида ҳам ўзгариш ясалди. Уларнинг турла-ри кўпайди. Янги технология кор-хона цехларидан ўрин ола бош-лади. Хабарларингиз бор — рес-публика бўйича биринчи бўлиб бизнинг 4 та махсусотимиз Ўзе-бекистон стандарти белгисини ол-ди. Молиявий томонимиз ҳам то-бора мустаҳкамланиб бормоқда.

мой муҳофазаси йўлида қандай ишлар амалга оширилди?

— Уларга ҳар ойда маошлари-дан ташқари ёрдам пуллари бери-лади. Хусусан маълум микдорда йўлқира, тушлик соват пули бери-либ турилибди. Бизда ишлаб на-фақага чиққан меҳнат кексалари-нинг ҳам аҳолидан хабардор бў-либ турибмиз. Ҳар байрамларда уларга турли-туман совғалар ва моддий ёрдам сифатида пул бери-лади. Ҳозирги пайтда «Малика»га қарашли 3 та болалар боччаси тў-лиқ корхона ҳисобидан ишлаб ту-

равар ошишига имкон яратди. — Мен 21 йилдан бери шу кор-хонада ишлайман, — дейди ҳисоб-чи Гулчехра Зокирова. — Битта им-тиёзли, 8 та оддий акция эгасиман. Уларга маошдан ташқари йил сайин дивидендлар олиб турибман. Албатта қанча яхши ишлаб, кўп фой-да олсак ўз ҳаёнимиз бойийди. Шундай экан, ҳадеб талаб қилавер-масдан унумли ишлашни ҳам ўйлай-лик.

— Корхонанинг ҳар бир аъзоси биринчи навбатда ўз олдига ҳўш, бутун мен жамоага қандай фойда келтирдим, деган саволини қўйиши керак, — дейди сўзга чиққан Ҳаби-булла Нажмидинов. — Ана шунда олға томон бурилиш бўлади. Тўғри, ҳозир раҳбарга кўп нарсаси ботлик, Лекин биз, атрофдагилар ҳам уни ҳамиша қўллаб-қувватлаб ту-ришимиз керак. Барча муаммолар аҳиллик ва ҳамкорликда бартараф этилади.

Ранглаш-тўқув цехининг брига-дир Уйлол Адабобоевич сўзи ҳам диққатга молиқ бўлди.

— Янгилик ихдорлари мана шу жамоанинг ўзи. Ҳар биримиз ўйлаб, мушоҳада қилиб ҳиссасдор бўлишни ният қилганимиз. Ҳеч бир янгилик тортишувларсиз яратил-майди. Баъзан бу йўлда янги-лишиш ва хатолар ҳам бўлиб ту-ради. Мана шу тўсиқларни енгиб ўта олсакгина, қилган ният ва ор-зуимизга эришамиз. Ўйламанки, жамоамиз бор имкониятни ишга солиб, янги усул афзалликлари-ни намоян этади. Ҳозир корхонами-зда тайёрланаётган жуда кўплаб махсусотлар хорижидан қо-лишмайдиган даражада. Шундай экан, яқин йиллар ичида «Мали-ка»нинг энг сифатли трикотаж буюмлари ҳақон бозорини кўра-ди.

Шундан кейин сўзга чиққан жамият касба уошамасининг раи-си Гулнора Мирзаева, корхона хо-сусийлаштириш бўлимининг бош-лиғи М. Тўлаганова, бош ҳисобчи Т. Векслерларнинг сўзлари қиз-гин баҳслар билан ўтди.

Йилги охирида ҳиссасдорлар иштирокида корхонанинг бу йил-ги иш режалари қайта кўриб чи-қилди.

Илҳом ШЕРМУХАМЕДОВ.

Саноат

МУЛККА ДАХЛДОРЛИК

ҳўжатлар тайёрланяпти.

— Акциялар қандай тарқатилга-ни бўйича аниқ маълумот бериш-нигизни истардик.

— 30 фоиз акцияларимиз кор-хона ишчи ва хизматчиларига тар-қатилди. Давлат мулк қўмитасига 32 фоиз, Ўзбекистон енгил саноат уошамасига эса 21 фоиз, қолганла-ри чет эл инвесторларига ва эркин савдо йўли билан тарқатилган. Иш-чиларимизга бироз енгиллик бериш мақсадида 30 фоиз акцияларимиз-нинг 1 фоизини имтиёзли, яъни бе-пул қилиб белгиланганмиз. Албатта шу ўринда, ҳўш, бу имтиёзли ак-циялар қимматга берилди, деган савол туғилиши табиий. Корхонада 10 йилдан 25 йилгача ишлаганлар-га 1 донадан шундай акция бери-лди. 25 йилдан ортқ меҳнат қилаёт-ганлар 3 донадан, жамоа ишлари-да фаол қатнашаётганлар эса 1 до-надан мана шундай акция эгалари бўлишди. Меҳнат ногиронлари, кўп болали оналар ҳам бу имконият-дан қуруқ қолишмади. Имтиёзли ак-цияларимизнинг умумий сони 1628 донани ташкил этади. Мана шу им-тиёзли акциялар билан қўйиб хи-соблаганда ишчи ва хизматчилари-миз қўйилад 48 минг 836 та қиммат-ли қоғоз бор.

— Ҳозир корхонада 2800 киши меҳнат қилаяпти. Уларнинг икти-рибди. Ҳўмон тоғ ён бағирларида оромгоҳимиз бор. Унда ҳар йили мингдан ортқ киши дам олиб қайтади.

Шундан кейин мунозаралар бошланди. Биринчи бўлиб сўзга чиққан корхона назорат ҳайъати раиси Т. Алажиева ўз фикрини шун-дай баён этди:

— Жамиятимиз фаолияти йил-дан-йилга яхшиланиб борапти. Бу-ни раисимиз томонидан келтирил-ган баъзи мисол ва рақамлардан ҳам билс бўлади. Лекин бундан кўра ҳам яхшироқ натижаларни кўл-га киритишимиз мумкин эди. Би-роқ бунинг имкони бўлмади.

— Фикрингизни аниқ баён эт-сангиз, — савол ташлади ўтирган-лардан бири.

— Бу сир эмас. Баъзан хом ашё танқислиги ишимизнинг белига те-пиб турди. Кўз тегмасин, бу йил бундай ҳол рўй бераётгани йўқ. Чўнки бунинг чорасини олдиндан кўриб қўйганмиз. Шундай экан, 1997 йил корхонамизда тўб бури-лиш йили бўлади. Жаҳон андоза-лари даражасида янги турдаги махсусотларни ишлаб чиқарамиз. Цехларимиз хорижий технологиялар билан янада бойийди. Бу режалар албатта келгуси йилда ҳиссасдорлар-га тарқатиладиган дивидендлар мик-дорининг бу йилгидан бир неча ба-

ТАДБИРКОРЛАРГА ҚУЛАЙ ТўЛОВ

Солиқ

даромадни яшириш ҳўллари учрамоқда. Ушбу мураккабликларни инобатга олган ҳўлда қўлланилаётган тартиб-қоидаларни бироз соддалаштиришга тўғри келмоқда. Қатъий солиқ тўлови тури ай-нан солиқ ундиришнинг синалган содда тури бўлиб, тадбиркор-лик фаолияти билан шуғулланаётган оддий фуқаролар учун бир-мунча қўлайликлар туғдиради.

Биринчидан, ҳар ҳил англасилимчиликларга чек қўйилади. Иккинчидан, тадбиркорларни аниқ рўйхатдан ўтказиш имконияти туғилади, учинчидан, кўзбўямачилик ва ҳар қандай аралашувлар-га чек қўйилади. Тўртинчидан эса солиқ тўлашдан бўйин товлаб юрган шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан тегишли чоралар-ни қўллаш имкониятини беради. Ўйламанки, бу тўлов тизими барча тадбиркорларга маълум келади.

— Қатъий солиқ тўлови қай йўсунда ўзгариб боради ёки аниқ тўлов микдори қандай белгиланади?

— Қатъий солиқ тўлови амалдаги энг кам иш ҳақи микдорига боғлиқ қилиб белгилаб қўйилди. Бу тўлов ихтиёрий равишда ҳар йил чорак учун алоҳида ёки тўлиқ йил учун тўлашни мумкин. Аммо тўлаб қўйилган солиқлар эгасига қайтарилмайдди. Солиқ тўланганини тасдиқловчи тўлов ҳабарномасида ёзилган ҳар бир тўлов учун алоҳида белги, яъни туман давлат солиқ инспек-сиясининг муҳри ва бошлик имзоси қўйилиши шарт.

— Тадбиркорларни қатъий солиқ тўлаш тартибига ўтказиш қандай амалга оширилмоқда?

— Аввалдан тадбиркорлик билан шуғулланиб келаётган шахс-ларнинг гувоҳномалари тўлов тури бўйича ҳақиқий деб ҳисобла-нади ва қачонки унинг муддати тугагандан сўнг давлат солиқ инспекциясига топширилиб, улар туман ҳўкмилгидан қатъий со-лиқ тўловчи гувоҳномасини олишлари мумкин.

Ўз фаолиятини давом эттирмоқчи бўлган тадбиркорлардан со-лиқ идораси томонидан тасдиқлаб берилган ҳисоб-китоб ва кас-са дафтарлари олиниб, ўрнига қатъий солиқ микдорини тўлаб фаолият кўрсатаётганлигини билдирадиган ҳўжат берилади. Сў-нгра, олдиндан тўлаб қўйилган солиқ микдори кўриб чиқилади ва яқуний ҳисоб-китоб қилинади.

— Қатъий солиқ тўлови қандай ҳисоб-китоблар асосида шакллантирилади?

— 1996 йили шахримизда тадбиркорларнинг сони 47563 на-фарни ташкил этган бўлса, шундан савдо-сотик фаолияти билан 39100 нафар ишгулланган. Бу 82 фоиздан зиёд демакдир. Қатъий солиқ тўлови савдо-сотик фаолиятининг махсус ажратилган жойла-рида, ерда ва лотокларда чакана савдо қилувчиларга жорий этилган. Ушбу фаолият тури билан шуғулланувчиларга қатъий солиқ микдори бир чорак учун энг кам ойлик иш ҳақининг 6 дан 30 баробаригача қилиб белгиланади: яъни ҳозирги пайтда 3600 сўмдан 18000 сўмгача. Ойига тўланадиган солиқ микдори 1200 сўмдан 6000 сўмгача бўлади.

1996 йилда фаолиятнинг савдо-сотик тури билан шуғулланув-чи ҳар бир тадбиркордан ўрта ҳисобда ойига 530 сўмдан солиқ ундирилган. Ҳозирда ўрта ҳисобда ҳар бир тадбиркор январь ойида 7000 сўмдан 12000 сўмгача даромад қилаётганлиги куза-тилмоқда. Агарда тадбиркор 12000 сўм даромад олса, у ҳўлда тадбиркорнинг даромад солиғи қўнунга бйноан 4080 сўмни таш-кил этади. Бу кўрсаткич тадбиркорлар фаолиятини тўрт хилга ажратиб шакллангандир. Яъни, савдо-сотик фаолияти, аҳўлига маший хизмат кўрсатиш фаолияти, халқ истеъмол моллари иш-лаб чиқариш ҳамда автотранспорт воситаларида хизмат кўрса-тиш фаолиятларидир.

— Агарда рўйхатдан ўтган тадбиркорлар томонидан со-лиқ тўланмаган бўлса, унда қандай чоралар кўрилиши кўз-да тутилган?

— Бу ҳўлда тадбиркорлардаги гувоҳномалар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва олиб қўйилади. Шунингдек, унга нисбатан тегиш-ли равишда ҳўжатлар расмийлаштирилади ҳамда қўнунда кўр-сатилган молиявий ва маълумий чоралар қўлланилади.

— Қатъий солиқ тўловчи гувоҳномаси асосида фаолият кўрсатувчи тадбиркорлар зарурият туғилганда фаолиятла-рини вақтинча тўхтатишлари мумкинми?

— Албатта мумкин. Бунинг учун туман давлат солиқ инспек-циясига ёзма равишда ариза билан бирга гувоҳномасини топ-ширса бас. Шундагина бу жараён қўнуний ҳисобланади ва кўр-сатилган вақт ўтгандан сўнг тадбиркор фаолиятини яна давом эттириш имкониятига эга бўлади.

Суҳбатдош
Очин ҲАЗРАТОВ.

ҲОСИДОРЛИКНИ ОШИРУВЧИ КУКУН

Темирнинг микроэлемент сифатида ўсимликлар ҳаётида кат-та ўрни борилиги маълум. Олма, банан, ҳўрмо каби ва бошқа ўсимликлар меваларида бўлган темир моддаси киши организмиз учун зарур элементлардан ҳисоб-ланади. Олимлар кейинги йиллар-да темир ва унинг бирикмалари қатор ўсимликлар ҳўсинлини кў-пайтиришда муҳим омил бўла олишини амалда исботламоқда-лар. Россия Фанлар академияси хизматчиси Г. Э. Фолманис те-мирнинг майда кўкундан помид-дор, сули, арпа, қарам ва лавла-ги экилган майдонларда фойда-ланиб тажрибалар ўтказди. На-тижада бошқоқли ўсимликлар хо-

сили ўртача 15 фоизга, қолганла-рида эса ҳўсин 30 фоизгача ор-ганилиги мўлжал бўлди. Россия, У-краина, Беларуссия, Молдавия ва Латвияда олиб борилган амалий тажрибалар буни тасдиқлади.

Фан

ЧИННИ УЧУН ЯНГИ ХОМ АШЕ

Тошкент кимё-технология ин-ститутини доценти А. Эминов маҳал-лий минераллар ва қишлоқ ҳўжа-лиги чинкидиларидан фойдаланиб ҳўжалик чинини учун янги хом ашё олиш мумкинлигини амалда исбот-лади. Ангрен каолини, кварц-дала шпатли қўмлар, фосфорит ва крем-незём асосида олинган янги чинни массаси механик ҳўссалари жи-ҳатидан маълум чинилардан усту-

лик қилади, нисбатан арзон тура-ди. Тошкент ва Қўвасой чинни кор-хоналарида, Ангрен керамика ком-бинати ва абразив заводларида ўт-казилган тажриба синовлари кутил-гандан ортқ натижалар бери-ди.

МАРСГА УЧИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

Америкалик астронавт Т. Стаф-форд бошчилигидаги «Синтез» экс-пертлар гуруҳи йигирма биринчи аср бошларида Марс сайёрасига учми режаларини қўлаб чиқди. Ре-жаларни тузишда Шўша Шатлар-нинг астронавтика бўйича миллий

қўмитаси, энергетика ва мудофаа вазирликлари вакиллари ҳам иш-тирок этишди, бу ишларнинг асо-сий мақсади эса Ойга ва Марсга учини амалга оширишдир. Ойга учми 2003-2005 йилларга мўлжал-ланган бўлиб, бу ерда доимий ҳа-ракатдаги станцияни жойлашти-риш режаси бор. Мана шу стан-цияда астронавтар Марсга учми учун зарур илмий муаммоларни ўрганадиган, улкан вазифаларни ҳал қиладилар. Марсга учми 2014-2016 йилларга мўлжалланган бў-либ бошқарилувчи «Фридом» ор-битал станциясини яратиш тақли-фи қўллаб-қувватланди. Катта микдордаги юни кўтарувчи та-шиштин ракета ва атом кўчи би-лан ишловчи қурилмалар яшам гуруҳ режаларидан ўрин олган.

Қудрат АХМЕРОВ,
кинегар-муҳандис.

Транспорт

МАҚТОВГА САЗОВОР

Суратли лавҳа

— Муҳаммадумари ҳаммамиз «Умар уста» деб атаймиз, — дейди корхона дирек-тори Ўбайдулла Валиев. — Мана яқинда «Доган» автомобилларининг фақат бир марта қўлланиладиган олдинги амортиза-торларини қайта тикласа бўладиган ик-тирони яратди. Унга бундан кейин ҳам яна кўплаб ихтирочилик билан шуғулланиши

учун ихтирочилик гувоҳномасини топшир-дик. У барча турдаги машиналарни туза-тиш ва сошлаш бўйича етук мутахассиси-миздир. «Умар уста»нинг кўп яхши фази-латлари ёшларга ўрнат. У тиниб-тинчи-маслиги, автомобилларга қайта ҳаёт бахш этиш йўлидаги изланишлари би-лан мақтовга сазовор бўлаётди.

Гули АБДУЛЛАЕВА.

СУРАТЛАРДА: (чапда) ихтирочи Муҳам-мадумар Юнусов (чапдан ўчинчи) касб-дошлари билан автомобилнинг двигате-лини қўздан кечирмоқда; (ўнгда) ёш созловчилар иш жойларига келишмоқда.

Равил Алябев олган суратлар.

Хўнармандчилик

ТўҚСОН ЁШЛИ ЧЕВАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ бадий хў-нармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожланти-ришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қўлда ишланадиган юксак бадий буюм-ларни тайёрлаш ва унинг ўзига хос турларини қайта тиклашни ҳам кўзда тутди.

— Ушбу Фармон бизнинг кўпдан бери ўйлаб юрган орзумиз эди, — дея сўз бошлайди Назира она Ҳўлмухамедова. — Биз каби хонадон шароитида юксак бадий буюмлар ишлаб чиқа-рувчи халқ хўнармандларига, уларни маҳаллий хом ашё, мате-риаллар, асбоблар ва кичик механизация воситалари билан таъминлашга амалий ёрдам кўрсатилиши жуда мамнун қилиди. Узоққа боришнинг ҳўжати йўқ. Масалан, менинг ўзим бутун умримни тикувчиликка бағишладим. Шу йиллар мобайнида қан-чадан қанча кийимлар тикишга улгурдим, кўплаб шоғирд орт-тирдим. Ҳозир ҳам уларнинг кўпчилиги ҳўзуримга келиб тури-шади, маслаҳат олиб туришади...

Миллий кийимлар устаси Назира Ҳўлмухамедова «Кўкча» даҳасининг Нишабқулоқ маҳалласида истикомат қилади. Анча ёшга борган бўлсаларда ҳали ҳам тетик, бақувват. Қўлидан сира игна тушмаган бу онахоннинг тўқсон йилга яқин умри бутун меҳнат билан ўтди.

Кейинги пайтларда кўзларидан кўзойнак тушмай қолган бўл-сада тиним билмай ишлайдилар, баъзилар «бола-чақадан тин-чиган бу кампирга нима етмас экан. Қариганда маза қилиб юрмайдими?» дейишади. Уларга Назира она шундай жавоб берадилар: «Меҳнат менинг овунчоғим. Ишга ўрганган одам уйда бекор ўтиролмас экан, айланайлар».

Онахон ёшликлардан қандай миллий либосни дўндириб тикардилар. Бирон бир ишга киришсалар, унинг уддасидан чиқмай қолган пайтлари сира бўлмаган. Эркаклар учун бано-рас, парча, кимхоб, беқасам тўнлар, чакмон, яланг-юпун тўн, якта ва уларга мос келадиган белбоғу саллачаларгача тикиб, мийхўзаларни хўрсдан этиб келяптилар. Аёллар учун эса кам-зул, нимча, яланг-пахтасиз аврели тўнлар, буюртмаларига кў-ра мурсак, паранжи, турли хил қўйлак ва лозимларни тикиб берадилар. Бундан ташқари Назира она кўрпа-тушак, болиш, қўроқ кўрпа тикишларни ҳам ўзлаштириб олганлар.

«Хўнарли киши хор бўлмас» деганлари рост экан. Назира она тикувчилик хўнарлари тўғрйли оилани икки марта огирчи-ликдан қўқилтирмай олиб чиқдилар.

— Урушдан кейинги йиллар оврўпocha либослар кийиш ра-симга кирди. Ушанда ҳам мен миллий кийимлар тикишни тарк этмадим, — дейди онахон бизга. Мустақиллигимиз шарофати билан қадриятларимиз қайта тиклана бошлади. Эндйликда ўз-лигимизни танидик, миллий маданиятимиз қайта жонланди. Шуносига шўкур. Ёш-ялангларнинг ўзимизнинг миллий кийим-ларда чакмоқдек тобланиб юрганига нима етсин!

ИПЛАКЛАРИ ТИППОДАН

Сузик ота маҳалласидаги мўъжазгина ҳўлида дўппи тикув-чи кекса онахон истикомат қиладилар. Аслида бу инсон қа-тортутилик бўлиб, Мирсултон қассобнинг 7 кизларидан ўртан-часи эдилар. Башоратли бўлсин дея уларга Башорат деб исм қўйилган. Қўшинлари Моҳира, Сокина ва бошқалар ҳам че-варликда тенги йўқ аёллар.

— Ҳеч бўш вақтимиз бўлмасди, — деб ҳўқоя қиладилар Башорат она. Ёғзимиз гапда бўлса ҳам қўлимиз ишда бўлар-ди. Уччаламиз опа-сингилдек эдик. Бир-биримизниқига чиқиб чеварлик қилардик. Билмаганимизни ўрганардик. Кези кел-ганда битмаган ишларимизни ҳашар йўли билан битириб олар-дик. Мен дўппи тиксам, Моҳира кийим-кечак, кўрпа-ёстик, тўшакларни тикишга моҳир эди. Сокина эса палак, сўзана-ларни тикишга уста эди. Ҳаммамиз Шайхонтоҳурдаги бадий буюмлар корхонасига аъзо эдик. Шароитимизга кўра уйга иш олиб тикардик. Ёнг яхши тиккан бўлганимиз Санбат му-зейининг халқ амалий санъати бўлимида ҳам намойиш этил-ган.

Холанинг ҳўқоясини тинглай туриб юқорида номи тилга олинган музейда кўрганларим: дўппи, қийик, жойнамоз, па-лаклар кўз олдимдан бирма-бир ўта бошлади. Башорат хола тиккан «Чаманда гул», «Тоҳир ва Зўҳра», «Қурбақа нўсха», «Иро-қи нўсха», «Марғилон нўсха» дўппиларни томоша қила туриб, уни тиккан устаси санъатига тасаннолар айтган эдим. Қизиги шундаки, бу экспонатлар ташриф буюрувчиларга яхши кайфи-ят бахш этибгина қолмай, балки улар кўз ўнгида ўзбек дўппи-ларининг ўтмиш сир-асрорларини ҳам намоян етарди.

Башорат опа, Моҳира ва Сокина холалар деярли тенгқўр-дирлар. Анча ёшга бориб қолганларига қарамай ўтмиш хоти-раларини шундай тўлқинланиб баён этишадики, уларнинг сўз-ларини тинглаб туриб чеварлик санъати тарихи ва унинг биз билмаган сир-асрорлари кўз ўнгингизда намоян бўлади.

— Чеварликни ёшлигимизда онамдан ўрганганман. Онамиз Зебунисо биз опа-сингилларга ўз хўнарларини қолдирган-лар. Бунинг учун у кишидан умрбод миннатдоримиз. У пайтлар бошқача эди-да. Қизу жувонлар ҳаммаси бичув-тикув ишлари билан банд бўлишарди. Ҳаммамиз зерикмаслик учун бичув-тикув юмушлари билан шуғулланардик. Чеварлик рўзгоримиз-ни бут қилиб, баҳоли-қудрат тебратиб турарди.

Ўғилми, қизми ишқилиб хўнарли бўлгани яхши. Хўнарли-нинг турмуши ҳамиша фаровон бўлади. Бўш вақти бехуда ўт-майди.

Бу гаплар Башорат холанинг ёшларга айтган насихатлари.

Маҳмуд АХМЕДОВ.

Танловлар

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР

Хайъати томонидан суратларни баҳўлашда танланган асарнинг мавзуга мувофиқлиги, техник ҳўлати, иш сифати, равшани-лиги, дизайни (ташқи кўриниш)га катта эътибор берилади. Фото-графия бўйича 1-ўрин Сўрхонда-рё вилоятининг Сарйосиё тума-

ЯПОНИЯДАН СОВРИН БИЛАН

Ҳар йили Японияда «Ер тасавури» деб номланган ижтимоий экологик йўналишдаги халқаро кинофестиваль бўлиб ўтади.

